



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 137 (11.698)

Баҳоси эркин нарҳда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 июль куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Гидо Вестервеллени қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги халқаро сиёсатнинг кўплаб соҳаларида босқичма-босқич ривожланиб бораётгани мамлакатларимиз ўртасида юксак даражадаги ўзаро ишончга эришилганидан далолат беришини таъкидлади.

Германия мамлакатимизнинг Фарбий Европадаги муҳим сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ва Германия Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида яқин ҳамкорлик қилмоқда. Икки давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон иқтисодийнинг турли тармоқларида немис банклари иштирокидаги йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Икки давлат олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилган. Улар доирасида sanoat, қишлоқ

хўжалигини ривожлантириш, табиий захиралардан оқилона фойдаланишнинг замонавий йўналишларида биргаликдаги тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Гидо Вестервелле давлатимиз раҳбарига қабул учун самимий миннатдорлик билдирди ва Германия келгусида ҳам Ўзбекистон билан кўплаб соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини яна бир бор таъкидлади. ГФР вице-канцлерининг сўзларига кўра, бизнинг мамлакатимиз Афғонистондаги вазиятни ноҳарбий воситалар билан барқарорлаштиришга изчил ёндашиб, минтақада тинчликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, Германия вазири яқинда Қирғизистон жанубида содир этилган воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг вазмин ва оқилона позициясини юқори баҳолади.

Сўхбат чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўшма корхоналарда

### ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТГА ЭГА

Тадбиркорлик ва ташаббускорлик билан иш юритиш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга қўллаб, халқаро андозаларга мос маҳсулот турларини кўпайтириш, албатта, муваффақият гарови бўлади. Буни 2006 йилдан буён Буюк британиялик ҳамкорлар билан шерикликда фаолият кўрсатаётган «Elite Polymer» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги кўшма корхона ютуқлари ёрқин исботлаб турибди.

Куни кеча корхонанинг маҳсулотлар сифат менежменти тизимининг ISO 9001-2008 халқаро стандарти сертификатини олганлиги ҳам бунга яна бир далилдир. Корхонада йил сайин буюртмалар кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми шунга яраша юқориллаб бормоқда, кўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилмоқда. Шу боис ҳам хорижий давлатлардан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар қуввати, цехларда уларни моҳирлик-ла бошқараётган 40 нафар малакали мутахассис тажрибаси билан тайёрланаётган полипропилен ва поливинилхлорид кувурлари жаҳон андозалари даражасидадир.

Илғор технологиялар асосида тайёрланаётган кувурлар иссиқ ва совуқ сув, шунингдек оқва суви тармоқларида кенг қўлланилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, — дейди корхона менежери Маъмур Ёқубов, — ҳозирда хом ашёнинг асосий қисмини Кореядан олаётган бўлсак, яқин келгусида маҳаллийлаштириш дастури доирасида ҳамкорларимиз билан полимер бўёқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Керамик хом ашёнинг 30 фоизини ана шу дастур лойиҳаси асосида тайёрлаш кўзда тутилган. Қорақалпоғистонда бунёд этилаётган Устюрт кимё-газ мажмуасининг ишга туширилиши ПВХга бўлган талабни қондириб, маҳсулотларимиз таннархини арзонлаштиради.

Корхона маҳсулотларидан бунёдкорлик, коммунал хўжалиги ва бошқа кўплаб соҳаларда кенг фойдаланилади. Маҳсулотлар корхонанинг республикамизнинг барча ҳудудларидаги фирма дўконлари орқали харидорларга етказиб берилди. Афзаллик томонлари хусусида тўхталадиган бўлсак, 50 йилдан зиёд хизмат қилади, чиримайди,

ичида қурум тўламайди, нархи арзон, ўрнатишга қулай, кўриниши чиройли ва энгил.

Айни кунларда корхонада янги лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Бу Тайвандан келтирилган янги технология линия асосида тайёрланадиган фитинглар. 2011 йилнинг биринчи чорагида мазкур лойиҳа амалга оширилиб, 100 турдаги фитинг ишлаб чиқарилади, бунинг натижасида 20 нафар ёшлар иш билан таъминланади. Маҳсулот сифатини доимий таъминлаш мақсадида лаборатория сотиб олиш ҳам режалаштирилган.

Айтиш жоизки, ҳозирги вақтда полипропилен кувурларга бўлган талаб ортиб бормоқда, бироқ уни ўрнатиш бўйича айрим муаммолар борки, бу малакали мутахассис усталарнинг етишмаслиги ва тажрибаси камлигидир. Ана шуни ҳисобга олган корхона мутасаддилари талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, Тошкент коммунал-қурилиш касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда полимер кувурлар ўрнатувчи усталар тайёрлаш бўйича ўқув маркази ташкил этди. Демак, бу масала ҳам ечим топиши арафасида.

Корхонада ўтган йили 2 миллион метр маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинган ва бир қисми Қирғизистонга экспорт қилинган. Жорий йил охиригача кувурларни Афғонистонга ҳам чиқариш режалаштирилган. 2010 йилнинг биринчи ярмида 1,5 миллион метр маҳсулот тайёрланди. Йил сўнгига қадар ушбу рақам икки бараварга оширилади. Шунингдек, Россия, Қозғистон, Туркия, Афғонистон давлатларида савдо уйлари ҳам ташкил этилади. Бу, албатта, хорижий харидорларни янада кенг жалб этишда қатта аҳамият касб этади.

Шарифа ИЛЁСОВА

Козим Ўлмасов олган сурат

## КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимида халқаро стандартлар ҳамда сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотларга оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича парламент комиссияси, Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси томонидан Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда Олий Мажлис Қонуничилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, ННТ вакиллари, сиёсий партиялар, дипломатик корпус вакиллари, халқаро экспертлар иштирок этди.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов мамлакатимида мустақилликнинг илк йилларидан Президент Ислам Каримов раҳнамолигида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мамлакатимида мустақилликка эришгандан кейин қўшилган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардандир. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Сиёсий партиялар ва ННТ фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давра сўхбатда сиёсий партиялар ва ННТ фаолиятининг халқаро ва

миллий ҳуқуқий асосларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Мамлакатингизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилганлиги гувоҳ бўлдики, — деди ЎЗА муҳбирига ЕХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директорининг биринчи ўринбосари Даглас Уэйк. — Ўзбекистон қисқа давр ичида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида улкан муваффақиятларга эришгани эътиборга молик. ЕХТ Ўзбекистонда халқ фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни кенг қўллаб-қувватлайди. Ўзаро ҳамкорлигимиз йил сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб бораверади, дейиш учун барча асослар бор.

(Давоми 2-бетда).

✓ **«БАРКАМОЛ»** авлод тарбиясида маҳалланинг ўрни» - ушбу мавзуда бўлиб ўтган ўқув семинарида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг оила ва аёллар масалалари бўйича мутахассислари қатнашди.

✓ **КЕЧА** «Дўмбиробод» маҳалласида Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ташаббуси билан «Репродуктив саломатлик — соғлом турмуш тарзи» мавзусида давра сўхбати уюштирилди.

✓ **ШАЙХОҲОНХУР** туманидаги «Эшонгузар» маҳалласида кеча «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими томонидан «Юлдузлар ташрифи» лойиҳаси доирасида ёш эстрада хонандалари билан учрашув ташкил этилди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилоятида «Озуқа экинларини экиш — ер ресурсларидан самарали фойдаланиш омили» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда чорвачилик соҳасининг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, олимлар, фермерлар, журналистлар иштирок этди.

● Бухоро шаҳрида «Бухоро люкс мармар» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Банкротликка учраган «Афрўз мармар» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ўрнида ташкил этилган янги корхона модернизациялаш ишларига 100 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди. Ҳозир 15 нафар ишчи меҳнат қилаётган жамоада ойга ўртача 2 минг квадрат метр ҳажмида мармар плита ишлаб чиқарилмоқда.

● «Маҳалла» жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими хайрли ишга қўл урди. Қишлоқлардаги жисмоний имконияти чекланган, уй шароитида таълим олаётган 13 нафар болага компютер жамланмалари совға қилинди. Бундан ташқари жамғарманинг вилоят бўлими қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари учун 70 миллион сўмликка яқин компютер ва бошқа зарурий жиҳозлар етказиб берди.

● Урганч шаҳрида «Баркамол авлод — келажагимиз» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбирда ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш бўйича тажрибалар алмашилди, бу борада иш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар, таклифлар билдирилди.

● Гулистон шаҳридаги 11-мактаб ҳовлисида ҳашар йўли билан янги спорт майдончаси бунёд этилди.

● Нарпай туманидаги «Оқтошдон» акциядорлик жамиятида қолипчи нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги линия фойдаланишга топширилди. Йилига 200 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги линиянинг ишга туширилиши кўшимча 15 та иш ўрни яратилишига имкон берди.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Буюк Британиянинг «Бритиш петролеум» компанияси Мексика кўрғазидеги шикастланган нефть қувурига ўрнатилган янги мосламанинг нефть сизиб чиқишини бутунлай ёпгани тўғрисида маълум қилди. Янги мослама устидан ўтказилган тест синовлари шундан кувурларини танкерга улаб, ҳар куни 80 минг баррелга яқин нефтни ҳайдаш ишлари режалаштирилган.

● Кеча Эроннинг жануби-шарқий қисмидаги Зоҳидон шаҳрида жойлашган масжидда иккита портлаш содир этилиши натижасида 20 дан ортиқ киши ҳалок бўлди, 100 га яқин одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ушбу хунрезликни амалга оширганликни Эроннинг сунний мазҳабига мансуб экстремистик гуруҳи ўз бўйига олди.

● Кеча кубалик яна икки нафар дисидент Испанияга келди. Испания ҳукумати Кубадаги 52 нафар сиёсий маҳбусдан 20 нафарини сиёсий муҳожири ёхуд қочқин сифатида қабул қилишни кўзда тутмоқда.

● Германияда тез орада авиачипталарнинг нархи ошиши мумкин. Бунга мамлакатда янги авиасолиқларнинг жорий этилаётганлиги омил бўлади.

● Узоқ вақтдан буён жазирама иссиқ ҳавонинг ҳукми суриши муносабати билан Москва вилояти ўрмонларида кучли ёнгинлар юзага келди. Ҳозир асосий вазифа ёнгинларни тарқалмасдан ўчиртишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, Москва шаҳри ва вилоятидаги бундай иссиқ ҳаво 130 йилдан буён рўй берган энг юқори ҳароратлардан ҳисобланади.

● Чилининг шимоли-шарқда 6,2 балли ер силкениши содир бўлган. Зилзила маркази Атакама саҳросидаги Калима шаҳридан 80 километр шимоли-шарқда жойлашган. Ҳозирча ҳалок бўлганлар ва айроногарчиликлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

● Франциянинг машҳур футболчиси, жаҳон ва Европа чемпиони мамлакат терма жамоаси таркибиде 123 бор майдонга тушган Тьерри Анри тўрт йил мuddатга Нью-Йоркнинг «Ред Буллз» футбол жамоаси билан шартнома имзолади.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантурувчи ролини кучайтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Юқорида номи қайд этилган қарорда ҳам бу борадаги чора-тадбирлар аниқ белгиланган бўлиб, бу иқтисодиётимизнинг барқарор фаолият кўрсатиши ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда, деб хабар беради ўЗА.

Солиқ идоралари томонидан қарор ижроси изчил таъминланмоқда. Жорий йилнинг иккинчи чорагида давлат бюджетидан ташқари Пенсия жамғармаси 100,7 фоизга, Республика йўл жамғармаси 100,6 фоизга ва Мактаб таълими жамғармаси 100,3 фоизга таъминланди. Аммо бу йўналишда барча ҳудудий давлат солиқ идоралари ҳам бир хил фаолият кўрсатди, деб бўлмайди. Жумладан, Наманган, Хоразм, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бу борада айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилгани йўналишда танқид қилинди.

Йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентини ва ҳукуматининг пул

**Қарор ва ижро**

**ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИ**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2009 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги Қарори ижроси муҳокама этилди.**

маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга оид қарорлар ижроси, солиқ тўлашдан қўшиқ ҳолатларини барқарор этиш, олдин олиш ва хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш борасида амалга оширилган назорат тадбирлари алоҳида кўриб чиқилди. Навоий, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида айни шу йўналишдаги ишлар талабга тўлиқ жавоб

бермаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунига мувофиқ участка солиқ инспекторлари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, уларнинг билим ва малакасини ошириш масаласи юзасидан Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган ўрганишлар натижалари муҳокама қилинди ва аниқланган

камчиликларни барқарор этишга доир кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Самарқанд вилоятида 2008-2009 йилларда бюджет ижроси ҳамда солиқ ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ундирилиши юзасидан ўтказилган текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотномаси таҳлил қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Бундан ташқари, йиғилишда солиқ хизмати органлари ходимлари ноқонуний хатти-ҳаракатларининг олдини олиш бўлишида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан ўтказилган муҳокама қўмитасида кўра, фаолиятда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйган ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбар ходимларидан 3 нафари эғаллаб турган лавозимдан овоз этилди, 61 нафари га нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгиланиди.

**Н.АБДУРАИМОВА**

**Таълим**

**ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА**

**Таълим тизими самарадорлигини янада оширишнинг замонавий усулларига бағишлаб Халқ таълими бош бошқармаси томонидан анжуман уюштирилди.**

Тадбирда бугунги фан-техника жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги даврга ўқув-тарбия жараёнини янада яхшилаш лозимлиги, бу борада энг аввало мактаб раҳбарининг ташкилотчилик қобилияти, шунингдек ўқитувчининг педагогик маҳорати муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.

Истиклол шарофати туфайли таълим тизимининг ҳар бир бўғини замон билан ҳамнафас такомиллаштириб бормоқда. Жумладан, халқ таълими тизимидаги ислохотлар натижаси ўлароқ ҳар бир предмет бўйича янги дарсликлар, қўлланилган яратилди ва бу борада саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Бундан қўйиб қолган пировадди мақсад - келажакимиз ворисларининг баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлашдир.

Анжуманда ўқитувчилар ёшларга билим бериш қаторида, уларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратишлари лозимлиги тавсия қилинган ҳолда, яқинлашиб келаётган 2010-2011 ўқув йилига ҳар томонлама пухта тайёрлик кўриш зарурлиги қайд этилди.

**Гавҳар МАКСУДОВА**

**УМИДИМИЗ КАТТА**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-академик лицейда илк битирувчиларни кузатиш тадбири бўлиб ўтди.**

Лицей 2007 йилда ташкил этилган, бу йилги битирувчилар - биринчи қалдирғочларимиз, - дейди лицей директори Фарида Назарова. - Улардан умидимиз катта. Беш нафар битирувчилар Турин политехника университетига ҳужжат топширди. Яна бир ўқувчимиз Алена Полева муқаддасдан олдин Россиянинг Тула университетига талабаси бўлди. Бу йилги қабул жараёни ҳам қизгин давом этмоқда.

Лицей аниқ ва табиий фанлар, хорижий филология йўналишларига ихтисослашган. Қирқ бир мингдан ортиқ китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида. Спорт ва фаоллар зали ҳам бор.

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур лицей нуфузли ўрта махсус ўқув юрти ҳисобланади. Фанлар чуқур ўргатилиши билан бирга ўқувчилар фан олимпиадаларида иштирок этиш, компьютер мутахассиси бўлиши мумкин.

Қизиқиши ва қобилиятидан келиб чиққан ҳолда улар танлаган йўналиши бўйича билимини чуқурлаштириш ва фанларни мукамил ўрганиши учун кенг имкониятлар яратилган. Бу борада лицейнинг профессор-ўқитувчилари ва ёш иқтидорли ўқитувчиларнинг ўрни алоҳидадир.

Битирувчиларга ЭҲМ оператори, таржимонлик мутахассисликлари бўйича диплом ҳам берилади. Хорижий филология йўналишида қўшимча араб тили ўргатилади.

Фарзандимни эртага физика-математика соҳасида етук мутахассис бўлишини хоҳлайман. Бунинг учун ўша фанларни чуқур ўзлаштиришимиз шу боисдандир, - деди «Туркистон-пресс» муҳбирига Саида ая Муродова. - Бу ерда шунингдек инглиз тилининг чуқур ўргатилиши биз учун аниқ муддао. Шиддатли замонда чет тилини билишлик фойдадан холи бўлмайдми.

**Рахсона ТОШПҮЛОВА**

**КАТТА ҲАЁТ ҚУЧОФИГА**

**Шу кунларда ўқув муассасаларида битирувчиларни катта ҳаётга кузатиш маросимлари давом этмоқда.**

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежида бўлиб ўтган шундай тадбирда устозлар битирувчи ёшларга она юрт олдида ҳам, фарзандлик бурчи масъулиятини муносиб адо этишлари йўлида муваффақиятлар тилади.

Албатта, ҳар бир ота-она фарзандига катта умид боғлайди, ўсиб-ўлғайишида барча шарт-шароитларни қўлидан келганича муҳайё қилишга ҳаракат қилади. Тадбирда бу ҳақда қўллаб-қўллаб ота-оналар очик фикр билдира экан, бу борада юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истак ва иштиҳоли, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари ҳар бир жаҳдада ўз ифодасини топаётганини, бевосита Юртбошимиз томонидан ўсиб келаётган авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор ва чексиз ғамхўрлик учун миннатдорлик билдиришди.

Қувнок куй-қўшиқ ва шўх рақслар билан давом этган битирув кечаси барча йиғилганларда унутилмас таассурот қолдириди.

**Шавкат ЁҚУБОВ**

**КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Тадбирда Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонларни асосида тегишли қонунлар қабул қилинган халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳолангани таъкидланди. Ушбу ҳужжатлар суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги ислохотларнинг мантикий давоми бўлиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш жараёнини янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Давра суҳбатда нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказишга оид, жамият ҳаётида сийёсий партияларнинг роли ва аҳамияти, ёшлар муаммоларини ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ННТ ва сийёсий партияларнинг бу йўналишдаги фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ томонидан Ўзбек тилида нашр этилган «Инсон ҳуқуқлари умумжазон декларацияси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий тизими» ва «ЕХХТ минақасида ўлим жазоси» номли китобларнинг тақдими бўлиб ўтди.

**Мадина УМАРОВА**

**Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан маҳсулотлар, иш ва хизматлар хавфсизлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади.**

**ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА ТЕХНИК ТАРТИБГА СОЛИШ**

ган нефть газида ҳаракатланадиган автотранспорт воситалари, ўқув муассасалари учун нарийб маҳсулотлари, спорт ускуна ва анжомлари, фалла ва уни қайта ишлаш асосида олинадиган маҳсулотлар, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича умумий техник регламентлар ҳамда ва бошқа қатор техник регламентлар ишлаб чиқишни ўз ичига олган.

Айниқса, электр энергетика соҳасида «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига асосан 2010-2013 йиллар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури тасдиқланди. Ушбу дастур сиқилган табиий газ ва суюлтирилган

электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган аниқ қоидалар белгиланди.

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз электр энергетика тармоғининг ҳуқуқий майдонини янада кенгайтиради.

Айни пайтда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик жамияти стандартлаштириш бўйича Европа қўмитасининг «Электр стандартларини ўйғунлаштириш» халқаро лойиҳасида фаол иштирок этмоқда.

Жорий йил июнь ойи охирида пойтахтимизда «Юқори ва паст вольтли қувватлилар соҳасида ўйғунлаштириш бўйича Европа халқаро услублари» мавзусида ўтказилган семинар-

да электр энергетика соҳасида техник регламентни белгилаш ўрганилди.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик жамиятидан маълум қилишларича, лойиҳанинг барча bosқичлари амалга оширилганидан сўнг мамлакатимиз электр энергетика соҳасида Ўзбекистон иқлим шароити ва қонунчилигига мос, халқаро стандартларга ўйғунлаштирилган техник регламентлар ва тегишли стандартлар ишлаб чиқилади. Бу мамлакатимиз электр энергетика тармоғини янги ривожланиш даражасига кўтариши ва электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳасида хавфсизлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

**В.РУДАКОВА, ЎЗА муҳбири**

**Дам олиш инсонга яхши кайфият бағишлайди. Сўнгги йилларда болажонлар узоқ оромгоҳларда эмас, балки маҳаллалар ҳудудидаги мактаблар қошида ташкил этилаётган соғломлаштириш масканларида дам олишмоқда.**

**Ёз — ўтмоқда соз**

**«КАМАЛАК» БОШ-ҚОШ БЎЛМОҚДА**

«Қамолот» ЁИХ ҳоймийлигидаги «Қамалак» болалар ташкилоти Бектемир тумани бўлими Сардорлар кенгаши билан биргаликда «Ёзни «Қамолот» билан» лойиҳаси доирасида маҳаллаларда, шунингдек мактабларда ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳларида «Қўчма спорт ўйинлари», «Компьютер саводхонлиги», «Қўчма кино», «Сийёсий-ҳуқуқий саводхонлик», «Биринчи тиббий ёрдам», «Кутубхона кўни», «Қариялар патронажи» тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, «Зилола», «Роҳат», «Бектемир», «Нурафшон», «Маъжунтол» маҳаллаларида «Қўчма спорт ўйинлари», «Қариялар патронажи», «Биринчи тиббий ёрдам» ва бошқа лойиҳалар амалга оширилди. «Зилола» маҳалласида жуда мароқли ўтказилган спорт ўйинлари барчани шод этди. Тадбирда 350 дан зиёд болажон иштирок этиб, голибларга ёрликлар, эсдалик совғалари топширилди.

**И.ДИЛШОДОВ**

**ЮКСАК ТИББИЙ МАДАНИЯТ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ОМИЛИ**

**Навқирон авлодини соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш Президентимиз Ислам Каримов юритаётган сиёсатининг устувор йўналишларидандир.**

Мамлакатимиз аҳолисига, хусусан, оналар ва болаларга тиббий-профилактика ҳамда даволаш ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизими шаклланди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган уч мингдан зиёд кишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникаларда бу йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Навқирон авлодининг саломатлигини мустаҳкамлаш ишларини юксак bosқичга олиб чиқиш, ихтисослашган тиббий хизмат ютуқларини педиатрия соҳасига кенг татбиқ этиш мақсадида ўтган йили Республика иқтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда марказ таркибида ўн та бўлиб ва илмий тадқиқот лабораторияси фаолият юритмоқда. Илмий марказ клиникасида йилга 12 минг нафар она ва болага стационар шароитда замонавий усулда тиббий ёрдам кўрсатилади. Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси, туғруқ мажмуаси ва илмий лабораториялар замонавий диагностика, даволаш ва илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишга оид асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида айни пайтда олти мингдан зиёд фан доктори ва номзодлари, тадқиқотчилар, ёш олимлар бу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида фундаментал, амалий, инновацион лойиҳалар юзасидан изчил илмий тадқиқот олиб бормоқда.

Илмий изланишлар жараёнида яратилаётган янги технологияларни амалга татбиқ этиш педиатрия соҳасидаги хизмат қўламини кенгайтириш ва сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Болалар ўртасида кўп учрайдиган ингичка ичак энзимопатияси ҳас-талликларини барвақт аниқлаш ва самарали даволашга йўналтирилган тадқиқотлар бунга мисолдир. Олимларимиз жаҳон тиббиётининг ушбу долзарб муаммосини барта-

раф этиш юзасидан олиб бораётган изланишлар натижасида касалликни даволашнинг модификацияланган схемаси ишлаб чиқилди. Бу хасталикка ўз вақтида ташхис қўйиш, аниқлаш ҳамда самарали даволаш имкониятини кенгайтирди. Илмий тадқиқот натижаларини амалда қўллаш тиббий хизмат сифатини ошириш, болалар саломатлигини яхшилаш ва ногиронлиқнинг олдини олишда муҳим омил бўлаётди.

Марказ мутахассислари педиатриянинг амалий масалаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам муттасил изланмоқдалар. Болаларни кўкрак сuti билан озиқлантиришга оид лойиҳалар бунга мисолдир.

- Она suti бола учун юксак қувват манбаи, - дейди ўЗА муҳбирига Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Камола Солиқова. - Чакалоқни кўкрак сuti билан озиқлантиришнинг унинг тўлақонли камолга етишида муайян муаммоларни юзага келтиради. Болани кўкрак сuti билан озиқлантириш она учун ҳам фойдали. Бу сuti беши хасталикларни келиб чиқишининг олдини олади. Шунинг назарда тутилган ҳолда илмий-амалий марказ олимлари ЮНИСЕФнинг болаларни кўкрак сuti билан озиқлантириш дастурини юртимизда мувофиқлаштириб келмоқда.

Бугун жаҳонда долзарб тус олган ОИТС муаммоси болалар ҳаётига ҳам жиддий хавф солаётди. Ҳозирги замон тиббиётини антитетровирусли терапия ва бошқа самарали усуллар кашф этилиши натижасида хасталиқнинг ондан болага юқишининг олдини олишда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази олимлари ва шифокорлари бундай янги профилактика, диагностика ва даволаш усулларидан амбулатор ва стационар шароитда самарали фойдаланиш, ОИВ инфекцияси ондан болага ўтишининг ол-

**Баҳор ХИДИРОВА**



**Футбол: чемпионат атрофидаги гаплар**

**АНГЕЛА МЕРКЕЛЬ: ИСПАНЛАР ЧЕМПИОНЛИК УНВОНИГА МУНОСИБ!**

Германия канцлери Ангела Меркель Испанияни футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги галабаси билан табриқлади, дея журналистларга маълум қилди ҳукумат вакили Ульрих Вильгельм. "Испания жамоаси чемпионат давомида ажойиб ўйин кўрсатди ва жуда ахил, тартибли ўйнади. Мазкур унвонни у ҳаққоний қўлга киритди ва мен Испания учун хурсандман", — деди Меркель Испания Бош вазири Хосе Луис Родригес Сапатерога. Таажубки, немислар ярим финалда айнан испанларга 0:1 ҳисобида ўйинни бой берилган.

**ГАЛАБА УЧУН — 23 МИЛЛИОН ЕВРО**

Испания футбол федерацияси ўз жамоасининг ЖАРдаги жаҳон чемпионатида эришган галабаси учун ФИФАдан 23 миллион евро олади. Сўнгги учрашувда имкониятни бой берган голландлар эса, финалга чиққанлари учун 19 миллион евролик совринни қўлга киритишди.

Ярим финалда қўрилган Германия ва Уругвай терма жамоаларининг ҳар бири 16 миллион евродан олишади.

**ТУРНИРНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИЛАРИ**

ФИФА мундиал қаҳрамонлари номларини эълон қилди. Энг яхши футболчи «Олтин тўп»ни уругвайлик Диего Форлан қўлга киритди. Энг яхши ҳужумчи унвонни ва унга илова қилинадиган «Олтин бутси» немис Томас Мюллерга тегибди. Унинг асосий рақибли испаниялик Давид Вилья ҳамда голландиялик Уэсли Снейдерлар ҳам дарвозаларга бештадан тўп киритишган. Бироқ, улар фақат биттадан голга олиб борувчи вазиятни юзага келтиришган бўлса, Мюллер бу борада уч марта шундай натижага эришган.

Бундан ташқари 20 яшар тўпсувар Мюллер чемпионатнинг энг ёш ўйинчиси совринига ҳам муносиб деб топилди. Испанлар индивидуал совринларнинг бирортасини ҳам қўлга киритишга олмас адолатдан бўлмасди ва шунинг учун ҳам ФИФА «Олтин қўлқоп»ни дарвозабон Икер Касильясга топширди. Айни пайтда 2010 йилги жаҳон чемпионлари ҳалол ўйин намунаси деб эълон қилиниши — етти ўйинда испанлар атиги саккизта сариқ карточка билан жазоланишганди.

**...ВА ЭНГ ОМАДСИЗ ЎЙИНЧИЛАРИ**

2010 йилги жаҳон чемпионати баҳслари айни чўққисига чиққан кезлари www.castrofootball.com ЖАРда ўз шон-шўҳратларини янгидан намойиш эта олган юлдузлар номини эълон қилди. Турнирнинг гуруҳ bosқичида мутлақо қўтилмаган иккита энг катта тасодиф юз берди: Италия ва Франция терма жамоалари глей-оффа этиб бормаёқ чемпионатни тарк этишга мажбур бўлишди.

Castrol таъқидлашча, бу жамоаларнинг икки асосий ҳужумчиси ўз маҳоратини намойиш эта олмаган. Ўтган мавсумда Альберто Жиллардино Фиорентина таркибиде 36 ўйинда дарвозага 15 та тўп киритган бўлса, чемпионат матчида дарвозага устунлари оралганини мўлжалга олиб бирон марта тўп ургани йўқ. Никол Анельяга кўрсаткичи ҳам 2009/10 премьер-лигасидаги 64 фоиздан анча паст — 24 фоизда қолиб кетди. Шу билан бирга уларнинг ҳар иккаласи ҳам жаҳон чемпионатида дарвозага гол киритилмаган бирон та вазиятни юзага келтиришолмади.

Англия Уэйн Рунига катта умид боғланди, бироқ у 13 марта қўрилган ҳаракатдан бирортасида ҳам дарвозани ишғол эта олмади. Вахоланки, Руни ўтган мавсумда премьер-лига ўйинларида ҳар 105 дақиқада биттадан гол урганди. ФИФА версияси бўйича йилнинг энг яхши ўйинчиси совриндори Лионель Месси ҳақида алоҳида гапиришга тўғри келади. 2010 йилги жаҳон чемпионатида бирорта ҳам гол ура олмагани учун қўлгана танқидчилар уни турнири бой берганликда айбламшмоқда. Аммо шунга қарамай, маълумотлар танқидчилар унчалик ҳақ эмаслигини кўрсатмоқда.

«Барселона»нинг бу ўйинчисининг бир жиҳатдан омади юришмади, дейиш мумкин. Дарвозага гол киритилмаган вазиятни юзага келтиришда фақат уч ўйинчи (Озил, Кевин-Принс Боатенг ва Хави) ундан олдинга ўтиб кетишди. Дриблинг (рақибни алдаб ўтиш) — да эса унга тенг келадигани йўқ — у 31 марта рақибни доғда қолдириб кетди. Бу кўрсаткич иккинчи ўринни эгаллаган Алекс Санчесниқидан икки марта кўпдир.

**ДИЕГО МАРАДОНАГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИШМОҚЧИ**

Аргентина пойтахти парламентида жаҳон футбол юлдузи ҳамда Аргентина терма жамоасининг амалдаги мураббийи Диего Марадонага гол киритилмаган вазиятни юзага келтиришда фақат уч ўйинчи (Озил, Кевин-Принс Боатенг ва Хави) ундан олдинга ўтиб кетишди. Дриблинг (рақибни алдаб ўтиш) — да эса унга тенг келадигани йўқ — у 31 марта рақибни доғда қолдириб кетди. Бу кўрсаткич иккинчи ўринни эгаллаган Алекс Санчесниқидан икки марта кўпдир.

болчи 1960 йил 30 октябрда дунёга келган харобалар мавзеи яқинидаги Пуэнте-ла-Норья туманида бунёд этиш режалаштирилмоқда. «Марадона ижтимоий ноёб ҳодисага, Аргентина халқ маданияти санамига айланди. Узининг бутун қусурлари ва фазилатлари билан, барча одамларга хос бўлган хатликларга йўл қўйиши билан Диего тақдир синовларига бардош бера олди ва ўзининг буқилмас иродаси ва жанговар руҳини намойиш қилди», деб ҳисоблайди Хуан Кабанье.

Унинг фикрича, оддий кишилар Марадонанинг фақат спортдаги ютуқларининггина кўриб қолмай, унинг бошқа хизматларини ҳам эътироф этишади. «Антиимпериалистик руҳга содиқ бўлган Диего ҳаммаша кўп нарсалардан маҳрум бўлган кишиларни ҳимоя қилади ва улар ҳам яхши ҳаёт йўлидаги ўз умид ва интилишлари рўйбини унинг тимсолида кўришади», дея қўшиб қўйди Кабандине. Шунингдек, ўтган яшанбада, жаҳон чемпионатининг чорак финалида немислардан қақшатиқ мағлубиятга учраганига қарамай, минглаб ишқибозлар мураббий ва унинг бошчилигидаги жамоани Буэнос-Айрес аэропортида қарсақлар билан кутиб олишида миллионлар қалбидан жой олган Диегога халқ муҳаббати яна бир бор намойиш этилди.

«Бу муҳаббат давр синовидан ўтди, шунинг учун ҳам биз Марадона шарафига ҳайкал ўрнатиб, уни абадийлаштиришни таклиф этишимиз», — деди депутат.

**ҲАКАМЛИК ТИЗИМИ ИСЛОҲ ҚИЛИНАДИ**

ФИФА амалдаги ҳакамлик тизимини келгуси жаҳон чемпионатидага ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилди. Ўйинларда қўшимча ҳакамлар ҳаракат қилишди, дарвоза чизиғи эса, катта теннисда аутини қайд этадиган махсус тизим билан жиҳозланади.

ФИФА президенти Йозеф Блаттер узоқ вақт янгиликларга қарши курашиб келди, аммо ЖАРдаги жаҳон чемпионатида ҳакамлар томонидан йўл қўйилган жуда кўпол хатолар унинг нуқтаи назарини ўзгартирди. Дарвоқе, илгарилари Блаттер, футболни шубҳали «инсон омили»дан маҳрум этади, бинобарин, жонли эҳтирослар ва ҳиссиётларнинг пайдо бўлишига тўқинлик қилади деб, янги технологияларни астойдил танқид қиларди.

«Сиз ўйинни томоша қилаётганингизда ҳеч қандай ижтимоий чекловлар йўқ, ўйин олдиде ҳамма баравар, ҳамма бирдек даражада — эксперт, — дея баёнот берганди у жаҳон чемпионатидан сал олдин. — Айнан шунинг учун ҳам биз мунозарали лаҳзаларни ҳал этишга ёрдам берадиган энг янги технологияларни жорий этишга интилаймиз. Агар биз бундай қиладиган бўлсак, томошабин улкан ва муҳим воқеаларга ўзини алоқадор дея ҳис этиломай қолади. Биз буни истамаймиз. Биз одамлар эҳтиросларини, яна ҳам яхшироғи — жўшқинлигини ҳис этишларини хоҳлаймиз».

**ТИНИҚ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШАДИ**

Америкалик тиббиёт олимлари кекса кишиларда мия фаоллигини сақлаб қолишда D витаминининг таъсирини исботлаб беришди. Неврологлар бир қанча тажрибалар ўтказиб, кексаяётган кишилар миясига D витамини таъсирини ўрганишга қарор қилишди. Тадқиқотлар давомида олимлар 65 дан 90 ёшгача бўлган минглаб қарияларда нейрпсихологик тест синовларини ўтказишди. Олиб берилган ишлар натижалари ҳар қалай шундай боғлиқликни исботлади.

Шу витаминдан етарли миқдорда истеъмол қила олмаган кексалар ўз тенгдошларига нисбатан янги ахборотларни ёмонроқ эслаб қолишарди. D витамини норма даражасида бўлган кишиларнинг 35 фоизи вазифаларни жуда яхши удалашарди. Бунда сигналиётган кишилар етарли дозада шу витаминни қандай қабул қилишлари — яъни овқат ёки қуёш нурлари билани — бунинг мутлақо аҳамияти йўқ эди.

Таъриба натижалари инсонларнинг фаол ҳаёт кечиришлари, дунёни ўрганиш ва янги билимларни ўзлаштиришлари бевосита организмдаги D витаминига боғлиқдир, деган хулосага келишларида олимлар учун асос бўлди. Айнан шу компонент мияча ва гипокампдаги метаболик жараёнларда иштирок этади. Ўз навбатида, бу жараёнлар янги ахборотларни ўзлаштириш ва эслаб қолишга жавоб беради.

Бироқ бу муолажага ҳаддан зиёд берилиб кетиш ҳам ярамайди. Катта дозалар-

**Дам олиш соатларида**

даги D витамини айниқса кекса кишилар саломатлиги масаласида муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Ушбу витаминнинг организмда ортиқча дозада бўлиши кальций ишлаб чиқаришни кўпайтиради, яъни гиперкальцемияга олиб боради.

**САРАТОН КАСАЛЛИГИ 40 ФОИЗИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН**

Қароргоҳи Женевада жойлашган саратон касалликларига қарши кураш бўйича Халқаро уюшма экспертлари ҳисоботида кўра, ҳар йили саратон касаллигига дуч келинадиган 12 миллион ҳодиса 40 фоизининг олдини ола билади. Бунинг учун одамлар инфекциялардан ўзларини ҳимоя қилиб, турмуш тарзларини ўзгартиришга ўзларида куч топа олсалар бас, дея хабар қилади Reuters.

Олимлар, ривожланиши охир-оқибатда саратон хасталигига олиб борадиган тўққизта инфекция номини келтиришди. Улар орасида одамнинг папиллома вируси, В гепатити, С гепатити, одамдаги иммунал танқислик вируси ҳамда Эпштейн-Барр вируси ( тўртинчи типдаги одамларда учрайдиган герпес вируси) бор, деб ёзади Компьюлента.

Тиббиётчилар фикрича, ўз вақтида вакцинацияларни амалга ошириш, юқумли вируслар тарқалишининг вақтида олдини олиш орқали миллионлаб кишилар ҳаёти-

ни сақлаб қолиш мумкин бўлади. Бунда одамларнинг ўзлари ҳам саломатликларига жиддийроқ қараб, оддий, аммо ишончли усуллар — чекмаслик, соғлом овқатланиш, алкоголь истеъмолини чеклаш ва қуёшда бўлиш вақтини қисқартириш йўли билан ўзларини ҳимоя қилишлари муҳим аҳамиятга эга.

**БАРЧА КАСАЛЛИКЛАРГА ШИФО ТОПИЛДИ**

Америкалик руҳшунос олимлар плацебо таъсирини жиддий ўрганишди. Ўтказилган турли хил таъриба-синов ишлари аносиде улар плацебо ёрдамида руҳий хасталиклардан тортиб барча касалликларни даволаса бўлади, деган хулосага келишди.

Олимларнинг маълумотларига қараганда, плацебо руҳий, иммунал ва бошқа механизмлар билан бирга бутун организмни фаол ҳаракатга келтиради. Бундай фаоллаштирув беморга анча энгиллик туғдириши, ҳатто ундан касалликни бутунлай даф қилиши мумкин. Чунончи, дори-дармонлар ёрдамида миқозларнинг 50 фоизи шифо топса, плацебодан 40 фоизи соғайиб кетади. Аммо бунда дорилар таъсири бир жойга ва вақтинча бўлса, плацебо руҳиятни тўла қамраб олиб, ўз таъсирини узоқ вақтгача сақлаб қолади.

Плацебо ўртача жами миқозларнинг ундан бир қисмига яхши таъсир кўрсатади. Тиббиёт мутахассислари эндиликда оддий даволаш таъсирини кучайтириш учун «ичи бўш хабдори»ларни тайёрлаш устида бош қотира бошлашди.

**Билиб қўйган яхши**

**ЁЗНИНГ ФОЙДАЛИ УЧ НЕЪМАТИ**

Ҳозирги вақтда соғлиқ учун фойдали бўлмаган, ҳатто зарар келтириши мумкин бўлган озиқ-қалар оз эмас. Улар одам вазнини ошириб боради ва саломатлигимизда муаммолар келтириб чиқаради. Шунинг учун вақтида саломатлигимизга эътибор қилганимиз маъқул. Чунки ҳозир пайкаллардан узиб келинган табиий неъматларни истеъмол қилишимиз мумкин.


**Олхўри.** Янги узилган олхўрни бутунча ёки қуритилганини, ёхуд эзиб тайёрланган олхўри поресини еганмисиз — уларнинг ҳаммаси тўйимли озиқаларга ҳамда С витаминига бой бўлади. Қуритилган олхўрилар ҳам жуда ейишли бўлиши билан бирга, ундан жуда мазаги компот тайёрланади. Дарвоқе, қуритилган олхўри иштаҳани бўғайди ва озишни истаган парҳезчилар учун ҳам жуда асқотеди.

**Шафтоли.** Десертга шафтолини истеъмол қилишдан яхшиси борми ўзи! Серсус, мазали шафтоли танга роҳат бағишлайди. Салгина қиздириб қовурилган шафтоли яна ҳам чиройли

ва ҳушбўй бўлиб кетади. Зеро, юқори ҳарорат шафтоли таркибиде табиий шакарни карамеллаштиради. Бирон марта ҳам шафтолини қовуриб кўрмаган бўлсангиз керак. Энди эса, дам олиш кўни ёқими бу иш билан шуғулланиш имкониятингиз бўлади — сынаб кўринг.

**Кулупнай.** Вазани тўлдириб турган, ранги чўғдек кўзни оладиган катта-катта кулупнайлардан ким ҳам ўзини тия оларди. Айниқса, уни ўз чорбоғингизда етиштирган бўлсангиз. Кулупнай ёзда энгил газак сифатида истеъмол қилинса жуда фойдали. Зеро, унинг таркиби озиқа моддаларига бой бўлса-да, калорияси юқори эмас. Айниқса, саратонга қарши курашда керак бўладиган моддалари мавжудлиги билан ҳам кулупнай қимматли резавор ҳисобланади.

Кўнига истеъмол қилинган атиги ярим стакан кулупнай тананинг С витаминига бўлган эътиёжининг 70 фоизини таъминлайди. Бу миқдор организмни нормал ушлаб туриш учун етарли бўлади.



Бўлғуси чемпион

**Дунё сир-синоатлари**

**ХАНЧЖОУ АЭРОПОРТИДАГИ ФАРОЙИБ ҲОДИСА**

Номаълум учувчи жисм (НУЖ) Хитойнинг Ханчжоу халқаро аэропорти ишини узиб қўйди, дея хабар қилади «Синьхуа» агентлиги. НУЖ, дея гапириб беришди шахар ҳокимияти вакиллари, аэропорт устида 7 июль — чоршанба кўни маҳаллий вақт билан 21:00 лар атрофида пайдо бўлди. Номаълум учувчи жисм туфайли аэропортда иш вақтинча тўхтаб қўйилди.

Бир соат мобайнида аэропорт самолётларни қабул ҳам қилмади, жўнатмади ҳам қилмади, унинг тикланганидан кейин эса, Ханчжоудан учуриладиган рейслар икки-уч соат кечкиб амалга оширилди. 8 июлдаги ҳолатга кўра, аэропорт одадий тартибда ишлаш бошлади, дея маълум қилишди маҳаллий ҳокимият вакиллари. Улар можаро бўйича суриштирув ишлари якунланганидан кейин ҳодиса тафсилотлари маълум бўлиши таъкидлашди суҳбат сўнгиде.

**Юлдузлар ҳаётидан**

**МАЙК ТАЙСОН: «БОКСЧИ СИФАТИДА ЎЗИМНИ СЕВМАЙМАН»**

Майк Тайсон ҳозирда ўзини боксчидан кўра кўпроқ актёр деб ҳисоблайди ва профессионал бокс — «ақлдан озган кишилар иши» деган қарорга келди. «Энди ҳеч қачон бокс тушмайман. (Бокс билан профессионал рингда шуғулланаётганимизда) Интизомга риоя қилмасдим, ўз устимдан назоратни йўқотиб қўярдим — ҳа, бу ақлдан озганларга хос касб. Ўзимни кузаб, кимга айланиб бораётганимдан ҳайратга тушардим», — деди Тайсон журналистларга берган интервьюсида. Илгарилари мени яхши боксчи деб аташарди. Бироқ, мен

ичимдаги ўша одамни ёқтирмайдим, ўша одамда инсонларга, аёлларга ҳурмат ҳисси йўқ эди. Энди мен ўз камчиликларимни енга олдим, — дея эътироф этди Тайсон. — Рингда жанг қилаётган пайтимда ўз ҳиссиётларимни яширишга тўғри келарди, энди эса ҳар нарсага йўлбарш бўлишим ҳеч гап эмас. У ҳозир ўзини «бокс-

Тайсон таржимаи холи жанжал-можароли ҳодисаларга бой. 1992 йили у «Қора Африка маликаси» Д. Вашингтонни зўрлагани учун 10 йил қамқоқ жазосига ҳукм қилинган. 1995 йили муддатидан олдин озод этилган Тайсон Эвандер Холифид билан тақрорий жангда унинг кулоғининг бир парчасини тишлаб узиб олгани учун боксдан четлатилди. Яқинда ҳам у Кубада журналистлар билан айтишиб қолиб, можарога сабаб бўлганди. У бир неча бор боксдан дисквалификация қилиниб, жами 3 миллион долларлик жаримага тушган.

**Фан оламида**

**ИНСОН ВАҚТ БЎЙЛАБ ҲАРАКАТЛАНИШИ МУМКИН**

Қора туйнуқлар назарияси муаллифи британиялик профессор Стивен Хокинг, инсон вақт бўйлаб саёҳат қилиши мумкин, аммо фақат келажак сари ҳаракатланади, деб маълум қилган. Хокингнинг янги тадқиқотлари хулосаларига бағишланган шов-шувли мақола Британиянинг The Sunday Times журналида эълон қилинган. Жаҳон фани узоқ вақт давомида вақт бўйлаб саёҳатларни беъамони сафсата деб баҳолаб келгани учун мени ҳам тентақлар қаторига қўшиб қўямасинлар деб, бу мавзуда бирор нарса дейишдан ўзимни тийиб келардим», — олим гапларидан парча келтиради ИТАР-ТАСС.

Инсон келажакка саёҳат қилиши учун ҳеч қандай монелик йўқ, деб ҳисоблайди Хокинг. Бироқ,

бунинг учун ёруғлик тезлигининг 98 фоизгача тезликка эриша оладиган ўта катта тезликдаги фазовий аппарат яратилиши керак экан. «Бундай кема шунча тезликка эришиши учун Ердан парвоз қилган вақтидан кейин унга 6 йил керак бўлади. Натижада унда вақт оқими ўзгаради — бортдаги одамлар учун у секинлашади: улар кемада ўтказган бир кунда Ерда бутун бир йил ўтиб кетади», — деди олим.

2010 йил — Баркамол авлод йили

## БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ



## ОТАМ,ОНАМ, МЕН — СПОРТЧИ ОИЛАМИЗ

**Бугунги кунда амалда ўз ифодасини топаётган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди десак, адашмаймиз.**

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолияти ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган болаларга меҳр-саховат кўрсатиш, уларга педагогик ёрдам беришга йўналтирилган бўлиб, бу борада спорт алоҳида ўрин тутди.

Айниқса жисмоний имконияти чекланган болаларни соғлом тенгқурлари билан биргаликда спорт мусобақаларига жалб этиш катта аҳамият касб этаётди. Шу мақсадда яқинда Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташаббуси билан «Спорт ҳамма учун» шиори остида «Отам, онам, мен — спортчи оиламиз» мавзусида мусобақа уюштирилди. Беллашувларда марказ тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари ота-оналари билан иштирок этишди.

Болаларнинг мусобақа жараёнида ўзини тугатиши, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, вазифаларни аниқ бажаришга интилишини кўриб, бундай тадбирлар улар учун нақадар аҳамиятли эканини англаш қийин эмас. Беллашувда болалар учун асосийси голибликни қўлга киритиш эмас, балки ўзини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис қилиши муҳим эканлиги намойён бўлди.

Гулором ХАМИДОВА

Тошкент шаҳар ИИББ Хуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси тасарруфдаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига келган киши ана шундай манзара гувоҳи бўлади. Ўзига хос декоратив услубда безатилган дов-дарахтлар, девордаги тарих ва бугуннинг акси туширилган расмлар, турли-туман қушлардан иборат жонли бурчак, асосийси болалар учун яратилган шарт-шароитлар кишида илиқ таасурот уйғотади.

Кўчада адашиб, қаровсиз қолдирилган ёки турли оилавий шароит сабаб уйдан чиқиб кетган ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан марказга келтирилган болаларнинг ёши ва миллати турлича. Лекин бу ерда уларга бўладиган муносабат, эътибор, меҳр ва муруват бирдек. Марказга нафақат республикамиздан, балки МДХ давлатларидан ҳам 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади. Бу ерда бир ой, баъзи ҳолларда қирқ беш кун давомида тарбия оладиган болаларга тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак берилиб, зарурий тиббий ёрдам ва маънавий хизматлар кўрсатилади. Икки қаватли ушбу оила 160 нафаргача вояга етмаганларни қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, улар учун ўқув ва ётоқхона, маърифат ва компьютер хоналари, спорт заллари замонавий анжомлар билан таъминланган.

Марказ фаолияти билан танишиш учун бу ерга ҳоррижлик меҳмонлар ҳам тез-тез келиб туради.

— Бу марказга илк бор келишим, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига Москва шаҳридаги Вояга етмаганларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш муассасаси ходими Антон Афанасьев. — Бизнинг вазифамиз аслида бир хил.

**Юнусобод туманининг обод маҳаллалари бирида ўзига хос бир даргоҳ борки, у ердаги иш жараёни кўпчиликлари маълум бўлмаслиги мумкин. Ходимларнинг бино ҳудудидаги ерларга ишлов бериши, мўъжаз ҳовлидаги ранг-баранг гулларни парваришлаши, болаларнинг жисмоний ва руҳий ҳордиқ чиқариши учун шароит яратиши бу маскан муҳитининг яхшилигидан дарак беради.**

Лекин бу ерда болаларга яратилган шароитларни кўриб, очиги, лол қолдим. Раҳбар ва ходимларнинг болаларга қилаётган муомаласи, меҳрибончилиги ота-оналарниқидан кам эмас.

Марказ ҳовлисида эркин юрган турфа уй ҳайвонлари, сайроқи қушлар болаларни ўз уйида юргандек ҳис этиши учун ёрдам берса, мўъжаз ҳайвонот боғи ва миллий урф-одатларимизни ўзида мужассамлаштирган кўркам галерея ва ундаги ўзбекона уй-рўзгор анжомлар катта ҳаёт остонасида турган ўсим ва болаларнинг табиатга меҳрибон ва раҳмдил бўлишида ўзига хос асос бўла олади.

— Болалар бу ерда ўтказган вақтини унутмайди, — дейди марказ бошлиғи ўринбосари Дилмурод Ағзамов. — Болалар билан ходимлар ўртасида ўрнатилган дўстона муносабат, ҳурмат уларни марказда хотиржам юришида ва кетаётган чоғларида ўзига ва келажагига нисбатан ишонч ортиришида яратилган муҳит холис хизмат қилади. Марказда ҳар бир болага алоҳида ёндошилиб, улар билан психолог муҳитга мослашгунча шуғулланади. Бизда «Боланинг беғонаси бўлмайди» деган нақлга тўлиқ амал қилинади. Мазкур марказ 2002 йил-

дан буён фаолият юритади. Нафақат юртимизда, балки МДХ давлатларидан қаровсизлик ва назоратсизлик оқибатида ҳудудимизга келиб қолган вояга етмаганларни ўз юртига қайтартириш масалалари махсус келишув ва ИИБ буйруғига асосан марказга берилган транзит мақоми орқали ҳал этилади.

Марказда «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими томонидан тақдим этилган компьютерлардан, шунингдек туман ИИБ профилактик ҳисобида турган вояга етмаганлар ҳам фойдаланиш имкониятига эга, бу ерда уларга компьютер сабоқлари бериб борилади. Доимий равишда марказда Республика болалар жамғармаси, болаларни ижтимоий-қўллаб қувватлаш маркази, бошқа тузилмалар билан бирга ҳамкорликда турли тадбирлар, байрам дастурлари уюштирилади.

Биз болалар билан суҳбатлашганимизда, улар ҳам келажақда мана шундай савобли ишларда ишлашни орзу қилишини айтишди. Демак, болалар ўз ҳолига ҳеч қачон ташлаб қўйилмайди, улар ҳаммиша жамият, юрт қарамоғида бўлади. Буни марказ ходимлари ўз фаолиятида исботламоқда.

Наргиза АСАДОВА

**Жорий йилнинг 3-4 сентябрь кунлари Испанияда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубогининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтади. Ушбу спорт турида кўрсаткичларни яхшилатиш ва жаҳон миқёсида ўзини намойён қилишга интилишни ният қилган. Шу боис ҳам нуфузли турнирга терма жамоаси вакиллари ҳозирдан жиддий тайёргарлик кўрмоқда.**

## Спорт

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМ

Халқаро гимнастика федерацияси томонидан кун кеча батутда сакраш усталарининг навбатдаги рейтинг жадвали эълон қилинди. Кувонарли жиҳати шундаки, рейтинг рўйхатини мамлакатимиз спортчилари бошқаришмоқда.

Яқинда Польшада уюштирилган батутда сакраш бўйича Жаҳон кубоги турнири босқичида чемпионлиқни қўлга киритган ҳамюртимиз Анна Савкина 85 очко билан рейтингда биринчи ўринда пешқадамлик қилаётган бўлса, Пекин Олимпиадасининг брон-

за медали соҳибаси бўлган Екатерина Хилько 77 очко билан иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин эса 60 очко жамғарган германиялик Анна Догондзе ва голландиялик Андреа Лондерсга nasib этиди.

Жуфтликлар борасида ҳам ҳамюртларимиз Савкина ва Хилько синхрон сакраш усталари орасида энг кучли ўқини якулади. Германиялик Догондзе ҳамда Симон, житойлик Ли билан Чжен рейтингда биринчи, иккинчи ўринларни банд этиди.

Акбар Йўлдошев

## Ҳар тўғрида

## ЁШЛАР МАҲОРАТИ

Ёшлар ҳам катталардан қолишини истамайди. Яқинда шведиялик Ким ва Эрик ўз маҳоратларини стол теннисида кўрсатиб қўйдилар. Улар бир дақиқа давомида стол устидан теннис копточасини туширмай 150 мартаба бир-бирларига ота олди. Тўпланганлар бу ёш теннисчиларнинг маҳоратини олқишлади.

## УЗУН ТИЛЛИ ОДАМ

Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилувчи Стивеннинг бошқалардан фарқи йўқ эди. Фақат у гапирганда ёнидаги унинг тили узунлигини пайқашган, уни ўлчатиб кўришни таклиф қилишган. Стивен эса уларнинг гапларини шунчаки ҳазил деб ўйларди. Бу инсон ўзининг тили бошқаларникидан узунлигини биларди. Бир кун у шифокорга учрашиб тилини ўлчатиб кўрди.

Шифокор Стивеннинг тилини ўлчаб оддий тиллардан бир мунча узун эканлигини тан олди. Стивеннинг тили нақд 19,5 сантиметр эди. Шундан сўнг Стивеннинг юлдузли онлари бошланди. У турли хайратомуз томошаларда иштирок эта бошлади. Масалан, у банкдаги мураббон ҳеч қандай қошқисиз, ҳатто қўлини ҳам ишлатмасдан тили билан тозалаб еб қўйди. У ўзининг узун тили билан машҳур бўлди. Яъни Стивен Гиннеслар рекорди китобига тили узун одам сифатида кирди.

## ҚУРБАҚА САКРАШ

Дунёда қанақанги машҳур, танловлар, беллашувлар ўтказилмайди дейсиз. Англиялик Йоани Мишель қурбақа сакраш бўйича ўзининг маҳоратини кўрсатди. Ундан олдин энг узоққа сакраш бўйича француз Митти Корт биринчиликни қўлдан бой бермай келарди. Йоани Мишель 76,5 сантиметр узоқликка қурбақа сакраш қилиб, олдинги 46 сантиметрлик рекордни орта қолдирди.

Тоҳир ИБРАГИМОВ тайёрлаган

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такоран Сергели тумани СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 10.12.2009 йилдаги 10-0919/16229-сонли ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан «Тошшаҳарнур» ДУКга тегишли, Сергели тумани С.Топилов кўчаси 3-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Газ-5204 ТВГ-15» русумли, д/р 10АҒ763 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 819 260 сўм. 2. «Газ-5204 ТВГ-15» русумли, д/р 10АҒ765 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 544 670 сўм. 3. «Газ-5204 ТВГ-15» русумли, д/р 10АҒ764 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 786 860 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 10 август кун соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МҒО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2010 йил 30 июндаги ва 2010 йил 9 июлдаги ажримларига асосан қуйидаги корхоналарга нисбатан банкротлик иши қўзғатилди

Корхона номи	Ажрим рақами ва санаси
«AL-TA'MIR-MILLENIUM» ХК	30.06.2010 йил 10-1017/10517
«BUNYODKOR QURILISH» АЖ	30.06.2010 йил 10-1017/10518
«ROSUZ KAPITAL BIZNES» КК	30.06.2010 йил 10-1017/10519
«REAL PROJECT» МЧЖ	30.06.2010 йил 10-1017/10520
«ROILS PLAST» МЧЖ	30.06.2010 йил 10-1017/10521
«RUHSHON MZM» МЧЖ	30.06.2010 йил 10-1017/10522
«BINOS MAGNAT» МЧЖ	30.06.2010 йил 10-1017/10523
«ZARINA SAVDO» ХФ	30.06.2010 йил 10-1017/10524
«ALIEV ZARGARI» ХФ	09.07.2010 йил 10-1017/11133

Мазкур корхоналарнинг банкротлик иши 2010 йил 13 июль кун соат 11.00 да ва 2010 йил 13 июль кун соат 16.25 да Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг №2 суд залида бўлиб ўтади. (Тошкент шаҳар, Чўпон ота кўчаси, 6-уй). Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Мурожаат учун тел: 262-17-82.

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Навр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3840 нуска босилди. Қоғоз бешма А-2



## МАШРИҚЗАМИН — ХИҚМАТ БЎСТОНИ

## ХИҚМАТЛАР

Доно раҳбар этмиш бир хикмат тортиқ:

«Қондошлик меҳри ҳар нарсадан ортиқ».

\* \* \*

Нобоп ишни бошдан тўхтатмоқ керак.

\* \* \*

Ақл ва идрокдан безак топса дил,

Уни гавҳар тўла ганжга қиёс қил.

\* \* \*

Ёмонлик топади одил бир жазо,

Ёмонликка бўлса-ёмонлик раво.

\* \* \*

Қайси бошдан учса агар ақлу хуш,

Яхшидан-ёмонни қийин ажратиш.

\* \* \*

Узун сўзни қисқа қилмоқлик даркор.

\* \* \*

Қизишмай иш юрит, ҳолинг танг бўлмас.

\* \* \*

Оламда дард йўқки, бўлмасин дармон.

\* \* \*

Кимки яхшиликка жаҳонда қодир,

Ошкор-ниҳон кучдан тикмишдир чодир.

\* \* \*

Бу дунёдан кетди не-не мард одам,

Қолмоқлик лофини урмагин сен ҳам.

\* \* \*

Яхшидир яхшилик тухмини экиш.

\* \* \*

Дунё бошдан-оёқ хикмат-ку, хикмат,

Нечун гафлат бўлмиш бизларга қисмат.

\* \* \*

Азалдан бу баланд осмон иши шу,

Гоҳ шодлик беради, гоҳи гам-қайғу.

\* \* \*

Азал экилганин ўрар ҳар киши. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32